

АДОЛАТ

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.adolat.uz

№ 4 (810) 2011 йил, 21 январь, жума

«АДОЛАТ» СДП — ФАОЛ СИЁСИЙ КУЧ

деб таъкидлашяпти ундан кўмак олган фуқаролар

2-бет

Сайёҳлик фирмаси очиб ниятида икки йилдан ортқ вақт сарфладим. Шунда ёрдам сўраб «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашига мурожаат қилганимда, партия фидойиларининг амалий кўмаги, ҳуқуқий маслаҳатлари билан «Мамлакат — сайёҳлик» сайёҳлик фирмасини ташкил этдим.

ТИЛ МАЪНАВИЯТИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

юксак ақл-идрок ва тафаккур замирида қудратли куч бўла олади

3-бет

Бугунги ёшларнинг тил маънавияти ва нутқ маданиятига «оммавий маданият» салбий таъсирини кўплаб омилларда кўриш мумкин. Жумладан, интернет тармоғида ўзаро танишув, севиғи изҳор қилиш, беҳаё лавҳалар авж олмоқда.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

4-бет

Мамлакатимизда йўллар кенгайди, раvon бўлди, кўчаларни тўлдириб қатнаётган янги замонавий автобусларни кўриб, кўзингиз қувонади. Аммо қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, йўловчилик ва ҳайдовчилик маданиятимизни ҳали кўп оширишимиз керакка ўхшайди.

Асосий вазифамиз — мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиш

2010 йилнинг 12 ноябрь куни Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузасида — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. «Айни вақтда шунини унутмаслигимиз керакки, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — мазкур ислохотларнинг муваффақияти... биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига беvosита боғлиқдир».



Шу нуқтан назардан қараганда, кириб келган 2011 йил ҳар биримизни яқин тарихимизга назар ташлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва давлат қурилиши соҳасида рўй бераётган ижобий жараёнлар, ўтказилаётган изчил ислохотларнинг муваффақиятини чуқур таҳлил қилишга ундайди. Бу улугвор мақсадларга эришишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳиссаси қай даражада бўлганини танқидий баҳолаш, партиянинг дастурий вазифаларини бажариш борасидаги саъй-ҳаракатларини сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган камчиликларни ҳам яна бир бор кўздан кечириб, тегишли хулосалар қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳбиримиз «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси раҳбари Исmoil Саифназаров билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Президентимиз томонидан эълон қилинган Концепцияда Ўзбекистоннинг қарийб 20 йиллик мустақил тараққиёт йўли атрофида таҳлил қилиниб, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Кўлга киритилган ютуқларда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг иштироки қандай бўлди? Партия олдида турган галдаги энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

оширишда дастурий аҳамият касб этади. Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришни, сиёсий партиялардан, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан партиявий-сиёсий фаолиятга бўлган ёндашувларни замон талаблари даражасига кўтаришни, ўз фаолиятимизни танқидий нуқтан назардан кўриб чиқишни, ватанимиз келажаги ва тақдири учун улкан ваколатлар берадиган масъулиятни ўз зиммамизга олишга тайёр бўлишни талаб этади.

Давоми 2-бетда >>



Ижтимоий адолат — ўзгармас тамойил

Диққат, янги рукн

Фарҳод ЭСОНОВ тайёрлади.

Бу рукнда дунёнинг энг ривожланган давлатларида фаолият юритаётган социал-демократик йўналишдаги партия ва ҳаракатларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида Сиз азиз муштарийларимизга маълумот бериб боришга ҳаракат қиламиз. Илк мулоҳазамиз социал-демократиянинг қисқача тарихи ҳақида бўлади

Илк социал-демократик ҳаракат XIX асрнинг ўрталарида шакллана бошлади. Уша даврда бир қатор Фарбий Европа мамлакатларида саноат ривожланиб, йирик корхоналар вужудга келди. Бу ўз навбатида ёлланма ишчи кучига бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Ишчиларнинг оғир меҳнати ва ижтимоий аҳоли уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тақозо этар эди. Бу вазифани ўзларини социал-демократ деб атаган инсонлар ўз зиммаларига олдилар. Дастлаб улар матбуот ва касаба уюшмалари орқали, кейинчалик эса сиёсий партиялар орқали ҳаракат қилдилар. Бундай партиялар фаолиятининг асосида демократик шарт-шароитлар яратиб, меҳнаткаш-

ларнинг ижтимоий (социал) ҳуқуқларини таъминлаш ётарди. Шу сабабли ҳам бундай партиялар социал-демократик партиялар, деб атала бошлади. Вақт ўтиши билан социал-демократлар ўз сиёсатида нафақат бир синфнинг манфаатларини, балки жамиятнинг кенг ижтимоий гуруҳлари манфаатини ифодалашга интилиб, ўз ташкилотларини «синфий партия»лардан «умумхалқ» партияларига айлантирдилар. Социал-демократлар ёлланма ишчилар ва тadbirkorлар орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этдилар. Улар янги иш жойлари ҳам, юқори иш ҳақи

ҳам, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари учун олинмаган солиқлар ҳам бозор муносабатларининг самарали йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини тўла англаган ҳолда ҳар доим тadbirkorлар ва кенг халқ оммасининг манфаатларини бир-бирига уйғунлаштиришга интилиб иш олиб бордилар. Социал-демократия мафкурасини XIX аср охирида К.Каутски ва Э.Бернштейн каби немис мутафаккир ва жамоат арбоблари янги жамиятга синфий кураш, яъни инқилобий йўл билан эмас, балки эволюцион йўл билан, буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилишини илмий асослаб берган.

Давоми 3-бетда >>

Маҳсулот сифати ошмоқда

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири

Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилаётган катта эътибор, истиқболли бизнес-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқарувчиларга янги имкониятлар яратмоқда. «Наманган дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Нуробод иссиқ-лиши билан боғлиқлигини тўла англаган ҳолда ҳар доим тadbirkorлар ва кенг халқ оммасининг манфаатларини бир-бирига уйғунлаштиришга интилиб иш олиб бордилар. Социал-демократия мафкурасини XIX аср охирида К.Каутски ва Э.Бернштейн каби немис мутафаккир ва жамоат арбоблари янги жамиятга синфий кураш, яъни инқилобий йўл билан эмас, балки эволюцион йўл билан, буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилишини илмий асослаб берган.

Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир...

Зохир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири.

«Миллий тикланиш» газетасидагилар сиёсий юксалишнинг кафолати бўлган партияларга рақобат ҳақида соғлом ва мантиқий фикр билдиришга ноқобил эканлигини сездириб қўйдилар. Акс ҳолда туман ҳокимлигининг протоколларидан чала-чупла кўчирилган маълумотларни асос сифатида қўлтиқлаб, таҳририятга югурган мухбирнинг рости ёлғонига «тўн кийдириб», Ўзбекистон «Адолат» СДПни фаолиятсизликда айбламаган, партияни «номи бор-у, ўзи йўқ» деб жар солмаган бўлишарди.

Авалло, шунини таъкидлаш ўринлики, «Адолат» СДП ва унинг янаша нари ҳисобланган «Адолат» газетаси таҳририяти жойларда партиянинг худудий ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳолис, дўстона баҳолаб, соғлом сиёсий рақобатга фойдаси тегадиган танқидий хулосаларни астойдил қўллаб-қувватлайди. Айни шундай муносабатни газета саҳифаларида сиёсий рақобатчиларимизга касб одоби ва ҳурмати доирасидан четга чиқмай ёзилган қатор мақолалар ҳам яққол тасдиқлади. Мақсад — партиялар атрофидаги гап-сўз-

Давоми 3-бетда >>

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоян этишлари учун шартли яратиб ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартдан 2011 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газет ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади. Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: **Журналистика соҳасида беш миллий мукофот.** Фолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар); Биринчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар. Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар. Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар дораисидан номинациялар:

— журналистика ривожига кўшган ҳиссаси учун; — фуқаролик позицияси учун; — ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун; — ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун; — «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили»га бағишланган энг яхши материал учун; — маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун; — харбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун; — энг яхши журналистик текширув учун; — мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун; — энг яхши режиссёрлик иши учун; — энг яхши матбуот хизмати; — энг яхши фоторепортаж учун; — энг яхши карикатура учун; — чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар

бўйича голиблар диплом, статутка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар. «Олтин қалам» танлови голиблари ва совридорларини муҳофизатлаш, шунингдек, унинг ўтказиши билан боғлиқ сарф-харajatлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидини молиявий кўмағида амалга оширилади. Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим эти-

лади (5 тадан кам бўлмаслиги керак). Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай қилиниши бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак. Радиоэшитиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак. Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусخаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим. Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади: — муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; — паспорт нусхаси. Танлов голибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди. Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қavat, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz

Партия ҳаёти

Асосий вазифамиз — мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиш

« Давом. Боши 1-бетда

Бу борадаги асосий вазифаларимиз, энг аввало, Ўзбекистон халқининг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда янада фолроқ иштирок этиш, фуқароларимизни ушбу ғоялар атрофида бирлаштиришдан иборат.

Ана шу мақсадларга эришишда ҳаракатлантирувчи куч бўлишга интилишимиз ишончли асосларга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Улардан бири, биз, манфаатларини ҳимоя қилаётган сайловчиларимиз олдидаги юксак фуқаролик масъулиятимиз, албатта.

— Бугун ҳаётнинг ўзи қонун чиқарувчилар олдида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Ҳам партия, ҳам фракция раҳбари сифатида бу борадаги асосий йўналишлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Энг аввало, Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган Концепциянинг устувор йўналишларидан, қолаверса, партиямизнинг сайловолди платформаси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фракцияимизнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларини янада такомиллаштириш. Бунда, партиямиз электорати, сайловчиларимизнинг сиёсий хоҳиш-иродаси ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мум-

кин-ки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси фаолияти кучли демократик, ижтимоий йўналтирилган давлат, адолатли ва маънан жипслаган жамият қуриш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда очиқлик, ошқоралик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш ишига қаратилган.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш, қабул қилинажак қонунларга ижтимоий адолат тамойилларини сингдириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти нуфузини янада мустаҳкамлаш, демократик ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ва родини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ҳамда бу институтлар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиб қабил муҳим ташаббуслар фракцияимиз қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қолади.

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўринли, деб ўйлайман. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти бевосита фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигига, уларнинг ҳуқуқий оғи ва маданиятининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ахборотлашган жамият



қуриш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш йўналишидаги ишларни ҳам янада кучайтириш ниятида. Зеро, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш — ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларни муваффақиятли давом эттиришга, қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг бажарилишини назорат қилишга, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг фаол иштироки эътиҳига ёрдам беради.

— Шунингдек, республикамизда инновация туридаги иқтисодий ташкил этиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Уни ривожлантириш республикамизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўйбга чиқариш имконини беради. Айниқса, қишлоқ хўжалигини инновация технология жихатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оши-

риш ҳам партия ва фракциянинг устувор вазифалари сира-сига киради. Хуллас, давлатимиз раҳбари томонидан маърузада билдирилган тақлифлар — биз учун амалий ҳаракат режаси бўлиб, уни бажаришга барчамиз бирдек масъулмиз.

— Танланган устувор йўналиш билан боғлиқ ҳолда партия қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Партия ташкилотларининг кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатаётгани, самарали ташкилий ишларни олиб бормай туриб, партия ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларини ҳаётга татиқ эта олмайдди. Қайси партия ташкилий жиҳатдан яхши уюшган бўлса, кучли мафкуравий база ва вужудга келтира олма ҳамда жамиятда ташкилий устуворлиқни қўлга киритса, айнан шу партия сайловлардан кейинги кураш босқичида ютиб чиқади. Демак, биз сайловчиларнинг, потенциал(салоҳият)ли электоратнинг қизиқиши ва диққат-эътиборини ўз мақсадларимиз ҳамда вазифаларимизга қарата олишимиз лозим.

Шу боис, биз бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туман Кенгашиларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга, фуқароларнинг барча тоифалари қамраб олган бошланғич партия ташкилотларининг вужудга келган тармоғини сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Хотин-қизлар, ёшлар билан ишлашда ҳам фойдаланилмаётган имкониятларимиз ҳали жуда кўп. Булар ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишлари бўлиб, бу соҳаларда ҳудудий ташкилотларимиз орқали доимий, изчил иш олиб бораверамиз.

Фаолларимиз аҳолининг турли қатламлари ўртасида сиёсий-маънавий, ижтимоий ва тарбиявий тарғибот ишларини олиб бориш кўникмасига эга бўлишлари зарур. Бу борадаги фаолиятимиз жамиятда ижти-

моий ҳаётбахшлик вазиятини ҳамда дастуриимизда эътироф этилганидек, ёшлар учун ижтимоий-сиёсий истиқболни яратишга, ҳар томонлама камол топган, Ватанга садоқатли, ижтимоий бозор муносабатлари ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол қатнашишга тайёр йигит ва қизларни тарбиялашга қаратилиши лозим.

Биз партиянинг дастурий вазифалари аҳоли барча қатламларининг ижтимоий оғига етиб бориши, фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, партия обрў-нуфузини юксалтириш учун мафкуравий ва ахборот-тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилиш асосида янада кучайтиришни давом эттирамиз.

— Айрим пайтларда сиёсий партиялар сайловдан кейинги «қишки уйку»га кетгани борасида айбловларга дуч келамиз...

— Баъзи бировлар таъкидлаётганидек, партиямиз учун «сокинлик» даври бошланди, деган фикрга шахсан мен қўшилмайман. Ҳозирги ишларимиз, аввалгисидан ҳам қизгин давом этмоқда, фаолларимиз ва ҳамкорларимиз билан мустаҳкам алоқада фаолият кўрсатмоқдамиз. Бугунги кунда "Адолат" СДПда кенг тармоқли партия тизими вужудга келди. Ҳар бир туманда, ҳатто республикамизнинг энг оқсис ҳудудларида ҳам бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сони 2800 тадан ошиб кетди. Бугунги кунда қайта халтов-

дан сўнг партиямиз аъзолари сонидан ҳам ўсиш кузатишмоқда. Улар мамлакатимизда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида қилинаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшишга интилоқда.

Айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятимиз асоси, пойдевори эканлигини сира унутмаслигимиз керак. Бошқача айтганда, партиямиз сиёсий фаолиятининг муваффақияти улар ишининг самарадорлигига тамоман боғлиқдир. Қўйи бўғинлар ҳал қилувчи тузилмамиз бўлиб, аҳолининг кенг табақлари вакиллари билан бевосита яқин алоқада ишлаш соҳасида сира чекланмаган имкониятларга ҳамда чуқур таъсир кўчиға эгадир.

Фаолларимиз — қишлоқ аҳоли, юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, ишлаб чиқариш заҳматкашлари бўлиб, уларни ажратиб турадиган алоҳида хусусияти бор, у ҳам бўлса, юксак фуқаролик позициясига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиб, Улар, биринчи навбатда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида қўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятга ашашни истайдиган кишилардир.

Бир сўз билан айтганда, инсон қадр-қимматини ва шаънини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш биз учун энг олий қадрият бўлиб, фаолиятимизда маёқ вазифасини ўтайди.

«Адолат» СДП — фаол сиёсий куч деб таъкидлашяпти ундан кўмак олган фуқаролар

Миннатдорлик

Шоҳида ДАМАНОВА, «Адолат» мухбири

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад қилиб белгиланган ҳаётимизда юз бераётган мислсиз ўзгаришларда ўз аксини топиб турибди. Бутун юртимиз сиёсий майдонда, унинг ижтимоий тараққиётида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаол сиёсий кучга айланаётгани ҳам муболаға эмас.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазат қилинишини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириб бориш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги родини ошириш каби муҳим вазифалар ижросидаги фаоллик «Адолат» СДПнинг аҳоли орасида мавқеи ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Мухтасар айтганда, партия ғояларининг тарғибот-ташвиқот ишлари самараси, жамоатчилик билан алоқалар, ўтказилаётган тадбирлар, ўқув-семинарлари фуқароларда партиёга нисбатан ишонч, миннатдорлик туйғуларини уйғотмоқда. Бу партия сафларининг кун сайин кенгайиб боришига ҳам туртки бўлаёпти.

Юлдуз НОРҚОБИЛОВА, Тошкент шаҳри:

Анча йиллар олдин касбим тақозоси билан чет эл сафарларида бўлганда ёки юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар билан суҳбатлашганимда улар Ўзбекистон деганда фақатгина тарихий обидаларга эга бир давлатни тасаввур қилишларини эшитиб биров ранжигандим. Уша кезларда менда жаннатмакон юртимиз чиройини, унинг бой тарихи-ю миллий аънаналарини дунёга кенгроқ танитиш фикри уйғонганди.

Сайёҳлик фирмаси очиб ниятида икки йилдан ортик вақт сарфладим. Аммо барча ҳаракатларим натижасиз бўлди. Шунда ёрдам сўраб «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашига мурожаат қилганимда, партия фидойиларининг амалий кўмаги, ҳуқуқий маслаҳатлари билан «Мамлакат — саёҳат» сайёҳлик фирмасини ташкил этдим.

Айни кезларда партия кўмагида миллий байрамларимиз, халқ сайлларимиз, юртимиз-

нинг барча вилоятлари ҳақида видео роликлар тайёрлаб, чет эллик сайёҳларга Ўзбекистон аталмиш диловар заминининг асл қиёфасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилаёпмиз. Ҳозир Германия, Япония, Корея, Непал каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган арасида турибмиз... Хуллас, партия ҳар бир ишимизда кўмакдош бўлмоқда.

Мавжуда АЗИМОВА, Бухоро вилояти:

Партиянинг сайловолди дастурида аҳолининг кенг қатламларида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори сифатида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириши алоҳида таъкидланган. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизи-

мини янада такомиллаштириш ишларига ҳам ўз фаолиятини йўналтириши аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Партиянинг вилоят Кенгаши сўнгги кезларда имкониятини чекланган болаларга баҳоли-қудрат кўмаклашиб, уларнинг соғлигини муттасил назорат қилиши ва бу жараёнларга ҳомиёлар ҳамда депутатларни жалб қилган ҳолда зарур доридармонлар, кийим-кечаклар билан таъминлашни йўлга қўя олди. Масалан, бизнинг Бухоро шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли махсус 18-мактабгача таълим муассасамизда 3 ёшдан 9 ёшгача бўлган 56 нафар имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбия олишида. «Адолат»чилар ҳар бир байрамда муассасамизга ташриф буюриб, ажойиб-ажойиб томошалар ташкил этишга бош-қош бўлишяпти. Болаларнинг руҳиятида шодлик, завқ-шаўқ туйғуларини уйғотмоқда. Кичкина бўлса-да, катта эътиборга лойиқ совға-саломлардан уларнинг бошлари осмонга етмоқда.

Сардор ҲАСАНОВ, Жиззах вилояти:

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига аъзо бўлишим ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Олий ўқув юртини тамомлаб, 2009 йилдан буюн айрим сабабларга қўра ишсиз юргандим. Бир гал иш топишда ёрдам сўраб партиёга мурожаат қилувдим, у ўз аъзоларига бефарқ эмаслигини амалда исботлади... Ҳозир ўзимга муносиб ишга жойлашганман. Вилоятимизда партия дастурини ислоҳ қилиш ва уни амалга оширишда янада фолроқ бўлишга ҳаракат қилаёман...

Ҳар учала суҳбатдошимиз фикрларидан сезилиб турибдики, «Адолат» СДП мамлакатимиз сиёсий майдонда ва унинг ижтимоий ривожига тобора ташаббускор ҳамда фаол сиёсий куч бўлиб бормоқда.

Ёш ватанпарварлар — келажагимиз пойдевори

Анжуман

Илёс САҲАТОВ, «Адолат» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллиги муносабати билан юртимиздаги кўплаб ташкилот ва идораларда, таълим муассасаларида турли байрам тадбирлари, анжуман ва давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Ёш ватанпарварлар — мамлакатимиз келажагининг пойдевори» мавзусида ташкил қилинган семинар ҳам 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

Университет Маданият саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари, ҳарбий кадра ва фуқаролари, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Анжуманда мустақиллик йилларида Республикаимизда миллий армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар асосида Қуролли Кучлар ташкил этилгани ва бошқарилиши мутлақо янги тизимни шакллантирилгани, мамлакатимизнинг зғорна мақсад ва вазифалар негизиде узвий боғланган ишончли муҳофа комплекс вужудга келгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров ўтган йиллар мобайнида ҳарбий техник ҳамкорликни ривожлантириш, қўшинларни зараловий қурол-яроғ турлари билан қуроллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларнинг амалга оширилиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, маърузачи университет Республикаимиздаги таянч олий ўқув юрти сифатида нафақат юксак савияли мутахассис кадрлар, балки ватанпарвар ёшларни тарбиялаш борасида катта ўрин тутиб келаяётганлигини ҳам айтиб ўтди.

— Мамлакатимиз конституция-

си ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўртасидаги хизмат тўғрисида»-ги Қонунлар республикамиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва Қарорлари тизимининг изчил ривожланишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонига мувофиқ, ёшларни Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилга бир марта — февраль-март ойларида қақрилиши белгиланган соҳадаги ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди. Миллий армияимизни ислоҳ қилиш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, бу борада халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган сайё-ҳаракатларимиз ўз самараларини бермоқда.

— Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат

қилиш ўзини шу юрт фарзандидан деган ҳар бир йигит учун муқаддас бурча, фаҳрга айланган, — деди ЎЗМУ ҳарбий кафедраси талабаси Дилшод Ҳакимов. — Ҳар бир ота-она фарзандини миллий армияимизнинг мард ва жасур аскарлари сафида қуришни фаҳр деб билмоқда. Айниқса, йигитлик бурчимизни ўз ватанимизда ўташ имконияти ва ҳарбий хизмат жараёнида барча шарт-шароитларини яратилганлиги, армияимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳарбий хизматчиларга яратилаётган имтиёзлар ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларини янада оширмоқда. Мен ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан сўнг олий ўқув юртига кириш учун белгиланган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдоридеги имтиёз ёрдамида университетнинг социология факультетига ўқишга кирдим. Ҳозир университет ҳарбий кафедрасида малакали офицерлардан соҳа сир-асорларини эгаллаб бораёман. Келгуси мақсадим — мутахассислигим бўйича малакали офицер бўлиб етишиб, ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўз ҳиссамни қўшишдир.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий кафедрасининг фаол офицерлари, етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларга Ўзбекистон «Адолат» СДП ун-верситетининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди.



Сўнги саҳифа

«...тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган

НОЁБ ВА ЭЗГУ ФАЗИЛАТ...»

(шу мавзуда таҳририятга келаётган хат-хабарлар таҳлили)

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Adolat» мухбири.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилган бу сўзлари тасдиғини ўтган 2010 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан ортиғи айни шу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўғри келганидан ҳам билса бўлади. Ҳолбуки, ўн йил муқаддам бу кўрсаткич бор-йўғи 30 фоиз бўлганди. Қисқа фурсат ичида 20 фоиздан ортиқ ўсишга эришиш — чиндан ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтаришни мақсад қилган халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилати ҳосиласидир.

Бу ҳосила асносида одамлар учун йил сайин барқарор тараққиёт манбалари очилмоқда, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Уларни биз савдогар ёки дўкандор деймизми, хунарманд ёки касаначи деймизми ёхуд катта-кичик корхона эгаси деймизми — ҳаммаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари — шаклланаётган ўрта синф соҳибларидир. Ҳозир мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам бундан дарак, бундан далолат. Зеро, биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингта янги иш ўринлари вужудга келгани ҳам фикримизнинг яна бир ёрқин исботи.

Шу боиски, таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар ва қилинаётган кўнғироқлардан кўриб турибдики, давлатимиз раҳбарининг тақдирини ҳамда ташаббуси билан 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши — жамиятимиз, бутун эл-юртимиз фикру зикри-у орзу-интилишларини бирлаштириб, соҳа фидойиларига янги қувват бағишлади.

«Қизилтепа туманида тадбиркор Ботир Тошевнинг сай-ҳаракати билан лойиҳа қўйма-ти 600 миллион сўмлик «Велла плюс» корхонаси барпо этилди — деб ёзда **навоийлик журналист Абдумутал Норбоев**. — Ҳозир бу ерда хорижий замонавий технологиялар кўмағида уй-рўзгор буюмлари ва куриш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирча вужудга келган 14 та янги иш

ўринларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар янги йилнинг дастлабки ўн беш кундаёқ 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлашди...».

«Хусусий корхонамизни «Бунёдбек-Нилуфар» деб номладик», — дея хабар қилади **Гулистон шахридан тадбиркор Ойбек Сотиболдиев**. — Асосан қишлоқ аҳли талабига мос қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга киришдик. «Микро-кредитбанк»дан олган 70 миллион сўмлик кредит эвазига ишлаб чиқариш доирасини кенгайтирдик ва қўшимча 9 та янги иш ўрни очдик...».

Хоразмлик жамоатчи муҳбиримиз Дилбаржон Бежнановнинг факсдан узатган хабарига кўшқўпирлик тадбиркор Эргаш Каримов пластик ҳамда алюминийдан эшик ва дераза ромлари тайёрлашга ихтисослашган хусусий корхона очгани ҳақида хикоя қилинса, **наманганлик қаламқаш Муродулло Қорабоев** кўнғироқ қилиб, Уйчи туманининг Ўнҳаёт шаҳарчасида янги кичик бизнес субъекти — маиший хизмат ва сервис мажмуаси қад кўтарганидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъий назар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жабҳаси субъектлари — ишлаб чиқариш корхоналари бўладими, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ённки, хомийлар ёки хайрия жамғармалари бўладими — барчаси ўз куч ҳамда имкониятларини, маблағларини бугунги кунда аниқ мақсад ва эзгу ниятларини амалга оширишга тўла са-

фарбар этмоқдалар. «Сурхон-Термиз-Силк» корхонасида маргилонлик мутахассислар ёрдами билан адрас, атлас матолари ва ипак гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилганини оласизми, Чустлик (Наманган) хунармандлар доғруғи етти иқлимга кетган миллий пичоқларни Россия, АҚШ, Миср каби хорижий давлатларга экспорт қилаётганини оласизми, Бегунининг бундай юриши тадбиркор йигитларга ёқмади. Улар ҳайдовчига қараб: «Мунча имиллаисиз, пулингизни оласиз, тезроқ юрсангиз-чи», дея бир неча марта писанда қилиш-

ди. Кейин овозларини баландлатиб, бир-бирларига: «Сенга айтган эдим, шу шалоқ машинага чиқмайлик деб, мана аҳвол, бу юришда эрталабгача ҳам ета олмаيمиз», дея бақира кетишди. Бунинг устига, бизга ҳамроҳ аёлнинг тоби қочиб, бир-икки жойда озроқ вақт

Хайдовчилик шунчаки оддий касб эмас. Инсон машинага, автобусга, такси ёки бошқа бир транспорт воситасига чиқарилганда, ҳаётда бирор бир лавозим эгаси бўлса-да, йўл давомида оддий йўловчига айланади, манзилга омон-эсон етиб олиши энди рулни бошқариб бораётган ҳайдовчининг маҳоратига, йўл қондаларига нечоғли амал қилишига боғлиқ.

Бир гал тўрт киши — мен, иккита тадбиркор йигит, қўлида ёш боласи бор касалванд бир аёл қош қорая бошлаганида йўлга чиқдик. Ёмғир шивалаб йўлга турарди. Бундай пайтда сал эътиборсизлик қилинса, машина сирғалиб, йўл четига чиқиб кетиши, бирор қор-ҳол ўзи бериши мумкин. Шу боис, ҳайдовчи тезликни унча оширмади. Аммо...

Машинанинг бундай юриши тадбиркор йигитларга ёқмади. Улар ҳайдовчига қараб: «Мунча имиллаисиз, пулингизни оласиз, тезроқ юрсангиз-чи», дея бир неча марта писанда қилиш-

Қарс икки кўлдан чиқади

Муносабат
Азиз АБДУШАРИФОВ

Газетанинг ўтган сониди эълон қилинган «Нуксоннинг катта-кичиги бўлмади» сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Пойтахтга келиб, олий ўқув юртига кириш учун вилоятдан Қамчиқ довини орқали Тошкентга, кейин эса шаҳар чеккасидан талабалар шаҳарчасига қатнаган кезларим ўзим кузатган баъзи воқеалар ёдимга тушди.

Хайдовчилик шунчаки оддий касб эмас. Инсон машинага, автобусга, такси ёки бошқа бир транспорт воситасига чиқарилганда, ҳаётда бирор бир лавозим эгаси бўлса-да, йўл давомида оддий йўловчига айланади, манзилга омон-эсон етиб олиши энди рулни бошқариб бораётган ҳайдовчининг маҳоратига, йўл қондаларига нечоғли амал қилишига боғлиқ.

Бир гал тўрт киши — мен, иккита тадбиркор йигит, қўлида ёш боласи бор касалванд бир аёл қош қорая бошлаганида йўлга чиқдик. Ёмғир шивалаб йўлга турарди. Бундай пайтда сал эътиборсизлик қилинса, машина сирғалиб, йўл четига чиқиб кетиши, бирор қор-ҳол ўзи бериши мумкин. Шу боис, ҳайдовчи тезликни унча оширмади. Аммо...

Машинанинг бундай юриши тадбиркор йигитларга ёқмади. Улар ҳайдовчига қараб: «Мунча имиллаисиз, пулингизни оласиз, тезроқ юрсангиз-чи», дея бир неча марта писанда қилиш-

ди. Кейин овозларини баландлатиб, бир-бирларига: «Сенга айтган эдим, шу шалоқ машинага чиқмайлик деб, мана аҳвол, бу юришда эрталабгача ҳам ета олмаимиз», дея бақира кетишди. Бунинг устига, бизга ҳамроҳ аёлнинг тоби қочиб, бир-икки жойда озроқ вақт



Равшан Эрматов дунёнинг энг зўр ҳакамларидан бири

Футбол
Ғулом ХИДИРОВ

Осиёнинг уч қарра энг зўр ҳаками Равшан Эрматов бу гал Халқаро Футбол Тарихи ва Статистикаси Уюшмаси томонидан дунёдаги иккита зўр ҳакамдан биттаси деб топилди.



Хамюртимиз халқаро ташкилот рўйхатида 128 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Бундан бор-йўғи икки ойча аввал Равшан Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан кетма-кет учинчи бор «Йилнинг энг қўйилмақом» ҳаками деб топилган. Равшан Эрматов Жанубий Африкада бўлиб ўтган сўнгги Жаҳон чемпионатида ҳам энг яхши ҳакамлардан бири сифатида эътироф этилган.

Халқаро уюшманинг бу йилги рўйхатида биринчи ўрин 189 очко тўлашга муваффақ бўлган англиялик ҳакам Ховард Веббга насиб этди.

Ваҳоланки, Ховард Веббнинг 2010 йилги Жаҳон чемпионатининг финал босқичидаги ҳакамлик танқидлар ёмғири ёғилишига сабаб бўлгани ҳамон ёдимизда. У Испания ва Голландия учрашувида 14 та сариқ ва 1 та қизил карточка кўрсатиб, халқаро футбол тарихида рекорд ўрнатган ҳакамлардан бирига айлангани ҳам эътироф этилаётди.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг 20 та энг зўр ҳаками Европа, Жанубий Америка, Осиё ва Марказий Америкалик 13 нафар вакил томонидан танлаб олинган.

2010 йилда «Осиёнинг энг зўр ҳаками» танловида Равшан Эрматовнинг асосий рақибли-ридан бири бўлган япониялик Юичи Нишимура эса Осиёдан жуда яхши натижа кўрсатган иккинчи ҳакам бўлди. У Испаниялик Альберто Удана билан 14-15-ўринларни забт этди. Халқаро уюшманинг 2009 йилги рўйхатида Равшан Эрматов англиялик Мартин Атkinson билан бирга худди шу ўринларни бўлишганди.

тўхташимизга тўғри келди. Ҳайдовчи булоқдан сув олиб келди. Йигитлар бўлса яна асабийлашди.

Ҳайдовчи йигит уларга ёмғир ёғиб турган пайтда тез юриб бўлмаслигини ётиғи билан тушунтирди. Аммо улар қулоқ солишмади. Натижада... йўл ҳаракати посбонлари бизни тўхта-тиб, ҳайдовчига жарима солишди. Ҳаммамизнинг таъбимиз хира бўлди.

Бошқа бир гал худди шундай ҳайдовчи йигитлардан бири Ангрен шаҳрига келганимизда, машинани четроққа олиб тўхтади ва кўл телефонидан кимгадир кўнғироқ қилди. Орадан беш-олти дақиқа ўтиб, бир йигит олдимизга келди, ҳайдовчи унга бундан бир hafta олдин шу машинада унутиб қолдир-

ган кўл телефонини берди. Йигит унга миннатдорчилик билдириди.

Шу икки воқеадан қаттиқ таъсирландим. Биринчисида тадбиркор йигитлар ҳайдовчинини шошириб, уни жаримага туширишди. Иккинчисида эса бирининг омонатига хиёнат қилмасликни кўрдим.

Баъзан киши кўнглини шунчаки чўқтирадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бир кун 13-трамвайда ҳайдовчи йигит ёшгина кизга ёмон муомала қилди. Қизчанинг ойлик йўл чиптаси уйда қолиб кетган экан, пул тўлаб, билет олгунча анча-мунча нордон гапларни айтиб, уни одамлар олдида изза қилди. Кизча йиғлаб юборди ва трамвайдан тушиб қолди. У ўша кун йўқисига ёки бирор бир машғулотига вақтида етиб бора олмаган бўлса ажабмас...

Бошқа бир гал автобус жуда тирбанд бўлиб кетди. Кекса киши: «Ҳой ука, мунча кўп одам олмасанг, оёқ қўйгани ҳам жой қолмади-ку», деганини билади, шофёр: «Ҳа, ёқмадимми, такси олинг», дея отаси тенги одамга танбас берди.

Мақолада айтилганидек, мамлакатимизда йўллар кенгайди, раvon бўлди, кўчаларни тўлдириб қатнаётган янги замонавий автобусларни кўриб, кўзингиз қувонади. Аммо қарс икки кўлдан чиқади деганларидек, йўловчилар ва ҳайдовчилик маданиятимизни ҳали кўп оширишимиз керакка ўхшайди.

Тилсиз ёв

Нуржигит КЕНЖАБАЕВ, 12-ҳарбийлаштирилган ёшнинг хавфсизлиги отряди инспектори.

XXI асрга келиб ҳар йили ер юзюда 6 миллиондан ортиқ, янада аниқроқ — ҳар 5-6 сонияда 1-2 тадан ёшнинг содир бўлимоқда, муаммо кўламининг нақадар улканлигидан далолатдир. Агар ёшнинг давомийлиги бир соат деб олинса, у ҳолда сайёрамизда бир вақтнинг ўзюда 500-600 тадан ёшнинг рўй бераётгани ойдинлашади. Энг ёмони — бундай офатларда 50 мингдан ортиқ киши қурбон бўляпти.

Шубҳасиз, ёшнинг халқ ҳўжалигига катта зиён етказувчи турар-жой ва хусусий мулкларни бир зумда куйдириб қул қилувчи, баъзан кишиларнинг бир умрга майиб ва халок бўлишига олиб келувчи тилсиз офатдир.

Афсуски, турар-жойларда ёшнинг содир бўлишига кўпинча фуқароларнинг ёшнинг чиқиб кетиши парвосиз қарши, электр асбоблари, газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлади. Болаларнинг гуғурт ўйнаши натижасида ҳам жуда кўп ҳолатларда ёшнинг чиқиб ва улар оқибатида кўпинча ўша болаларнинг ўзлари тан ҳароати оладилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун турмушда риоя қилиниши шарт бўлган ёшнинг хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш керак.

Тепакаллик сабаби нимада?

Турфа олам

Ҳуршида ХУДОЙҚУЛОВА, талаба.

Америкалик олимлар фикрича, улар эркаклардаги соч тўқилиши сабабини аниқлашнинг урдаасидан чиққанлар. Ўз тадқиқотларининг натижаларини Journal of Clinical Investigation нашрида эълон қилган мутахассислар тепакаллик сабаби бошда соч йўқлигида эмас, балки тўқилган соч ўрнини ўсиб чиққан ўткир сочларнинг сифатида эканлигини айтишмоқда.

Мутахассислар ёши 50 дан ошган эркакларнинг яримдан кўли турли шаклдаги соч тўқилишига дуч келишини айтишди. Айримларнинг сочи эса 20 ёшда тўқилишни бошлади. Энди эса экспертлар эркаклардаги каллик сабаби илдинини аниқлашга муваффақ бўлганларидан кейин унинг давосини топишга яқинлашиб қолганларини айтмоқдалар.

Пенсильвания университети олимлари сочи тўқилиши яримдан кўли турли шаклдаги соч тўқилишига дуч келишига хулосага келганлар: тепакал одамлардаги сочларнинг илдинини сочи қалин одамлардаги илдинлардан кам эмас.

Фақат сочининг асос ҳўжайрасидаги кўсур тўқилиш бу соч шунчаки ингичка бўладики, уни фақат микроскоп орқалигина кўриш мумкин бўлади. Демак, биз тепакал деб атайдиган кишилар бошда соғлом эркаклар бошидаги каллик соч бор экан.

«АСАКА» БАНК: Ютуқлар муносиб баҳоланди

Молия муассасаларида
«Асака» банк ахборот хизмати бўлими томонидан тайёрланди

«Асака» Давлат — акциядорлик тижорат банкининг 2010 йилдаги фаолияти мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган «Инқирозга қарши дастур» ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардор ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган мижозлар ва хорижий ҳамкорларга юқори сифатли

банк хизматларини кўрсатишга қаратилди.

Жаҳоннинг етакчи ва нуфузли «Fitch ratings» ва «Moody's Investors Service Ltd» халқаро рейтинг агентликлари «Асака» банк фаолиятига юқори рейтинг баҳоларини беришди. Ривожланган давлатлар, шу жумладан, МДҲ давлатларида банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари даражаси пасаяётган бир пайтда халқаро рейтинг агентликларининг эътирофи Ўзбекистон банк тизимига бўлган ишонч ошиб бораётганини, банк тизими барқарорлигининг далолатидир.

2011 йил арасида мамлакатимизда нуфузли саналмиш «Ahor Reytng» агентлиги томонидан «Асака» банк кредит рейтингини қайта кўриб чиқилиб, юқори рейтинг баҳоси берилди. Бундай ютуқлар «Асака» банкнинг халқаро майдондаги обрўсини янада оширишга, қолаверса, мамлакат ичида эгаллаган етакчи ўрнини мустаҳкамлашга аҳоли-

нинг унга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, «Асака» банк раҳбарияти ва ходимларининг аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ва пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлари муносиб баҳоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Банклар Уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан ўтказилган танловда «Асака» банк ғолиб чиқиб, «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2010 йилнинг энг яхши банки» номинацияси бўйича 2-даражали диплом билан тақдирланди. Республика банклари вилоят филиаллари ўртасида «Асака» банкнинг Андижон вилоят фи-



лиали «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2010 йилнинг энг яхши филиали» номинацияси бўйича ғолиб чиқди ва 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Республика банклари туман филиаллари ўртасида «Асака» банкнинг «Олтириқ» филиали ҳаза ходими Дилдор Мамаюсупова «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2010 йилнинг энг яхши ҳазна ходими» номинациясида ғолиб чиқиб, 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк «Энг яхши пластик карточка эмитети» номинациясида ғолиб чиқди ва 1-даражали диплом билан тақдирланди. «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси 2010 йилда эришилган муваффақиятлар билан чегараланиб қолмасдан, 2011 йилда бундан-да яхшироқ натижаларга эришиш бўйича ишларни янада давом эттирмоқда.

Олға, Ўзбекистон!

Ниҳоят «Осиё Кубоги — 2011»нинг хал қилувчи, ҳаёжонли ўйинлари бошланмоқда. Миллионлаб футбол ишқибозлари кутган фурсат етиб келди. Бугун Ўзбекистон ва Иордания терма жамоалари иштирокидидаги чорак финалнинг биринчи ўйинига гувоҳ бўламиз. Миллий терма жамоаси аъзолари 1/8 финалда рақиблирини мағлубиятга урваттан тақдирда, биринчи чорак финалчи сифатида ярим финалда учинчи чорак финалчи Австралия — Ироқ жағуфлиги ғолибига қарши 25 январь кун соат 21:25да «Халифа» стадионидида баҳс олиб боради.

Эрон — Жанубий Корея жағуфлиги ғолиби шу кун соат 18:25да «Ал Фарафа» стадионидида Япония — Қатар учрашувининг ғолибига қарши баҳс олиб боради. Айнан шу ўйинлардан сўнг мусобақа финалчиларининг номи маълум бўлади. Қитъа чемпионати баҳслари шу қадар кескин ва муросасиз рухда ўтмоқдаки, аксарият чорак финалчиларининг номи гуруҳ саралаш учрашувларининг сўнгги турларидагина аниқланди. Мутахассислар фикрича, бу Осиё футболда ўсиш кузатилаётган



нидан далолат беради. Сўнгги тур ўйинларидан сўнг чорак финал барча иштирокчиларининг номи маълум бўлди. ҚХДР терма жамоасини кичик ҳисобда мағлубиятга урватган Ироқ терма жамоаси «D» гуруҳи якунларига кўра иккинчи ўринни банд этиб чорак финалда «Яшил қўт» вакилларига қарши баҳс олиб борадиган бўлди.

Гуруҳнинг яна бир учрашувида мuddатидан аввал навбатдаги босқич мавсалисини хал қилган Эрон терма жамоаси ўзи учун «кераксиз» учрашувида БАА терма жамоасини мағлубиятга урватди. Шу тариқа Осиё Кубоги — 2011нинг гуруҳ ўйинларига якун ясалди.